

БАКТРИЯНИНГ БРОНЗА ДАВРИГА ОИД ДАФН МАРОСИМЛАРИ

Энг қадимги жамиятнинг ижтимоий табақаланишини ўрганишда дафн маросимлари билан боғлиқ урф-одатларнинг тадқиқ қилиниши муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида дафн урф-одатлари билан боғлиқ анъаналар мафкура орқали шаклланади. Археологик текширувлар туфайли қўлга киритилган маълумотлар, хусусан, хар хил топилмалар, дафн усуллари, қабр тузилиши, дафн инвентарлари ҳамда маросим ва қурбонлик қолдиқлари тегишли жамиятнинг ижтимоий тузилишини аниқлашда муҳим манба саналади. Айнан шу манбаларга таянган ҳолда жамоаларда мавжуд мафкуравий тасаввурларни тўғри, илмий реконструкция қилиш – тиклаш кўзланган масалани одилана ечишга ёрдам беради. Жамиятда ижтимоий дифференциациянинг ошиб бориши билан дафн одатлари ҳам тобора катъийлашиб боради, «нариги дунё» билан боғлиқ тушунча тасаввурлари тобора зичлашиб борган.

Америкалик археолог ва этнограф Л.Бинфорд 40 дан ошиқ ибтидоий жамоаларда тадқиқот ўтказиб, дафн урф-одатлари ижтимоий факторлар билан жиддий боғлиқлигини исботлаб берган. Жамоалардаги содир бўладиган ижтимоий ҳодисалар дафн урф-одатларига таъсир ўтказиб борган. Милоддан аввалги III минг йиллик охири ва II минг йилликда деҳқон чорвадор қабилалар орасида жуфт дафн қилиш урф-одатларининг кенг тарқалиши кичик оилаларнинг иқтисодий ва мафкуравий жараёндаги ролларининг ўсиб боришини кўрсатарди. Тўғри, ўтмишда эрлар ўлса хотинини ҳам зўрлаб ўлдириб, бирга кўмиш одатлари ҳам қайд этилган. Бу ҳодиса кенг тарқалмаган урф бўлиб, муайян даврларда оксуякларга таалукли бўлиши мумкин эди, холос. Умуман қаралганда, дафн билан боғлиқ урф-одатлар жамоанинг нафақат мулкӣ ҳолати, шунингдек, унинг ижтимоий аҳволидан ҳам маълумот беради. Қадимги Бактриянинг турли минтақаларида бу даврнинг кўплаб дафн иншоотлари жамият табақаланишига оид

масалаларга бир қатор ойдинликлар киритилишга эришилди. Бу жараёни Сополлитепа, Бўстон VI, Жарқўтон ва Даштли-1,3 мисолларида таҳлил қилиш мумкин.

Масалан, Сополли маданиятининг сўнгги босқичига тегишли ёдгорликларидан бири Бўстон VI некрополи ҳисобланади. Унда ҳозиргача 357 та қабр ўрганилди. Мозорлардан топилган бой археологик ашёлар мил. авв. II минг йилликнинг охири чорагида бу музофотда яшаган аҳоли турмушида ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ диний тасаввурларнинг нақадар мураккаблашиб борганлигини кўрсатмоқда. Бу даврга келиб қадимги деҳқончилик воқаларида даштлик чорвадор қабилаларнинг кириб келиши туб жойли аҳолининг нафақат турмуш тарзи, шунингдек, мафкуравий тасаввурларига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Бу жараён, аввало, диний саждагоҳ ҳамда дафн маросимларида ўз аксини топган бўлиб, бу ерда Мўлали, айниқса, Бўстон тараққиёти босқичида бири иккинчисига хос бўлмаган урф-одатлар кузатилади. Бўстон мозорларидан кўлга киритилган археологик манбалар бўстонлик жамоалар таркибида қуйидаги ижтимоий гуруҳларнинг ташкил топганлигини кўрсатади: а) жамоага тобе ва ҳуқуқсизлар (асирлар, қарздорлар, бегона кишилар); б) жамоанинг оддий аъзолари; в) жамоанинг мустақил ўзига тинч кишилари (хунармандлар, ҳарбийлар); г) юқори ижтимоий мавқега эга кишилар (ибодатхона хизматчилари, ҳарбий бошлиқлар). Археологик маълумотларга кўра, бу жараён бронза даврининг сўнгги босқичларида анча тезлашган ва мураккаблашиб борган.

Ҳар бир давр ўзига хос такомиллашув билан фарқ қилади. Бу манзара дафн маросимларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Намозгоҳ IV даврида ўлганларни ён томонга ётқизиб, ғужанак тарзда кўмиш одат бўлган. Бу даврда индивидуал дафн билан коллектив дафн қилиш анъаналари кўпроқ қўлланилган. Ўрта бронза даври дафн маросимлари Олтинтепада яхши ўрганилган. Бу ёдгорлик бағрида 100 дан зиёд мозор ўрганилган. Бу босқичда ён томонга ётқизиб, ғужанак ҳолда кўмиш ва бошқа кўмиш урф-

одатлари ҳам қўлланилган. Мархумларни дафн қилиш кўпроқ шимол томонга қаратилган. Ёш болаларни сопол хумларда дафн қилиш одатлари ҳам қўлланилган. Сўнгги бронза даврига келиб, мозорлар, умуман, дафн қилиш яшаш жойидан ташқарига чиқарилади ва бу ҳодиса алоҳида кабристоннинг ташкил топишига олиб келди. Умумий миқёсида қаралганда, Бактрия дафн маросимлари сўнгги бронза даврига оид Жанубий Туркменистон анъаналарига яқин туради. Шимолий Афғонистоннинг Дашли, Ничкин ва Фарухобод воҳаларида олиб борилган археологик ишлар туфайли кўпгина кабристонлар ўрганилди. В.И.Сарианидининг берган хабарларига қараганда, мозорларнинг аксарияти хазинатопарлар томонидан ўғирланган. Шунга қарамасдан айрим қабрлар инвентарлари номаълум ҳодиса туфайли сақланиб қолган. Уларнинг айримларидан жез болталар, пичоқлар, терракота ҳайкалчалари, поки, найза, ҳар хил муҳрлар, турли хил зеб-зийнатлар, тўқмоқлар ва бошқа ашёлар сақланиб қолган. Айниқса, жездан ишланган дастали ва дастасиз ойналар, ҳар хил идишларнинг топилиши Афғонистонда сўнгги бронза даврида металлургиянинг муайян даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Хусусан, Даштли-3 ёдгорлиги мозорларидан топилган турли ашёлар, жумладан, металлдан махсус қолипларга қўйиб ишланган турли хил муҳрлар жамоалар таркибида мураккаб ижтимоий жараёнларнинг кечганлигидан гувоҳлик беради. Бу топилмалар туфайли патриархал оилаларнинг бошлиқлари, коҳинлар, зодагонлар, бир неча жуфт уруғ бошлиқлари, оддий деҳқон ва чорвадор, ҳарбий жангчи сингари ижтимоий иерархия тизимини, шунингдек, мархумларнинг маҳоратли касб-корини билиб олиш соҳаси бўйича муҳим манба саналади. Навбатдаги тараққиёт босқичида нафақат дафн инвентарлари сонида, шунингдек, дафн маросимлари сифат белгиларида фарқлар юзага келади.

Дафн иншоотлари ва дафн қилиш тизимида муайян ўзгаришлар содир бўлади. Бундай тараққиёт билан боғлиқ ўзгаришларни нафақат қадимги деҳқончилик воҳаларида, шунингдек, дашт, тоғ, тоғолди чорвадор

кабилалари турмушида ҳам кузатиш мумкин. Бинобарин, дашт минтакаларида яшаган чорвадор қабилалар турмушига металл бошқа минтакаларга караганда анча эртароқ кириб борганлига туфайли ҳам бу жамият ижтимоий тузумида содир бўладиган навбатдаги ўзгаришлар анча тезлашди. Шу боисдан ҳам ижтимоий табақаланиш жараёнини биргина Жанубий Ўрта Осиё эмас, балки кенгроқ, миқёсда кузатиш имконияти мавжуд. Сабаби, ижтимоий табақаланиш жараёни унинг қайси ҳудудда ва қачон содир бўлганлигидан қатъий назар у ягона диалектик қонуният доирасида кечган.

Адабиётлар:

1. Аванесова Н.А. Храмовые функции сакрализованных площадок некрополя доисторической Бактрии Бустон VI / Степи Евразии в древности и средневековье. Материалы Международной конференции посвящ. 100-летию со дня рождения М.П. Грязнова. Гос эрмитаж, Спб., 2002.
2. Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы Средней Азии. Самарканд, 1993.
3. Асқаров А.А. Бактриянинг бронза даври хронологияси бўйича янги маълумотлар // История Узбекистана в памятниках материальной культуры и писменных источниках. Илмий тўплам. Тошкент, 2005.
4. Массон В.М. Древние гробницы вождей на Кавказе II В кн.: Кавказ и Восточная Европа в древности. М.
5. Тревехова Н.Н. Погребальные конструкции эпохи Хань // СА, 1969, №3.
6. Крюков М.В. Социальная дифференциация в древнем Китае // В кн; Разложения родового ситроя и формировании классого общества.
7. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ (в свете данных археологии) // Л., «Наука», 1976.